Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
**15 октябрь**
ШАНБА
**№ 84** (12928)

www.th.uz


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*2016 йил 13 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини, 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш натижадорлигини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев олиб борди.*

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизациялашни чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифаларини бажариш, жорий йилда фойдаланишга топшириладиган энг муҳим объектларни ишга туширишни сўзсиз таъминлаш, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, замонавий инфратузилмани шакллантириш, маҳаллий маҳсулотлар экспортини кўпайтириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар натижадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, глобал иқтисодиётнинг ривожланиши тобора секинлашиб бораётгани ва жаҳон бозорларидаги ноқулай шарт-шароитларга қарамай, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва унинг ислоҳотларни амалга оширишга доир бешта машҳур тамойилига асосланган мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш ва ривожлантириш стратегиясини мақсадли ва тизимли амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда макроиқтисодий мувозанат ва иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари сақланиб қолмоқда.

Жорий йил 9 ойи якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиши 7,8 фоизни, саноат ўсиши 7,2 фоизни, қурилиш ишлари ҳажми ўсиши 15 фоизни, чакана савдо айланмаси ўсиши 14,2 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 12,4 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича дастурий чора-тадбирлар фаол амалга оширилмоқда. Замин заҳматкашларининг фидокорона меҳнати ва миришкорлиги туфайли, мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бой ҳосили етиштирилди ва йиғиштириб олинди. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6,4 фоиз ўсиши таъминланди.

Аҳолининг даромадлари, турмуш даражаси ва сифатини узлуксиз ошириш йўналиши давом эттирилди. Ўтган 9 ойда ўртача ойлик иш ҳақи 12,6 фоиз ошган, жорий йил 1 октябрдан эса бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар яна 15 фоиз оширилди. Янги қишлоқ массивларида замонавий намунавий лойиҳалар бўйича 12 мингтадан ортиқ шинам ва қулай шахсий уй-жой фойдаланишга топширилди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизими моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш давом эттирилмоқда. Ушбу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 6,8 триллион сўмдан ортиқ ва 150 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилди.

Давоми 2-бетда.

## ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИНИНГ ЙИРИК АНЖУМАНИ

*Пойтахтимизда 12-13 октябрь кунлари бўлиб ўтган XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг нуфузи йилдан-йилга ортиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги бизнес тузилмалар эътиборини жалб этмоқда. Бу бежиз эмас. Негаки, пахта бозорини янада ривожлантириш истиқболлари, пахта саноати ва унинг турдош тармоқларининг эртанги куни айнан шундай форумлар натижасига боғлиқдир.*

Ярмаркада 550 минг тонна ўзбек пахта толасини сотиб олиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 1 миллиард 322 миллион доллардан зиёд миқдордаги шартномалар имзоланди. Бу жаҳон бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотларига талаб юқорилигини намоён этди.

Давоми 2-бетда.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Интилиш

## ТАДБИРКОРНИНГ РЕЖАЛАРИ КАТТА

*Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш борасида амалга оширилган ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.*

Бунинг маҳсулини қишлоқ жойларида ҳам ўз ери, мулки, корхонасига эга тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бораётгани, уларнинг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожи ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қўшаётган ҳиссаси мисолида яққол кўриш мумкин.

Қибрай туманидаги Янги Ўнқўрғон қишлоғида яшовчи Ҳабибулло Файзиев уч йил муқаддам тадбиркорлик фаолиятини тикувчилик цехи ташкил этишдан бошлаган эди. Ўтган йилларда у давлатимиз томонидан яратилган имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятини янада кенгайтирди. Унинг ташаббуси билан маҳаллада савдо ва маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган "Насрулло ота гузари" мажмуаси қад ростлади. Бу ердаги тикувхона, дорихона, чорва озуқаси шахобчаси ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш тизимларидан иборат гузар фаолиятидан аҳоли мамнун.

Давоми 4-бетда.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

*Олмалиқ шаҳрида "Истиқлол ғунчалари" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.*

## ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ҳамда "Касаба уюшмалари – болаларга" акцияси доирасида ташкил этилган танлов ёш авлодни санъатга жалб этиш орқали уларда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини янада юксалтириш, бу йўналишда ижод қилаётган ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун барча шароит яратилаётгани таъкидланди. Бу борада Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳам фаол қатнашиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, санъатга меҳрини кучайтириш юзасидан кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда.

– Лойиҳада вилоятдаги корхона ва ташкилотлар тасарруфида бўлган маданият саройлари, жойлардаги маданият ва аҳоли дам олиш марказларида фаолият юритувчи болалар бадиий жамоалари иштирок этмоқда, – дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ш. Собиров. – Танловда 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар тўрт йўналиш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Танловнинг туман ва шаҳар босқичларига 1 минг 500 га яқин ўғил-қиз қамраб олиниб, уларнинг 200 дан ортиғи вилоят босқичида иштирок этди.

Анъанавий ижрочилик йўналишида Паркент туманидан Хуршид Пардаев, эстрада қўшиқчилиги йўналишида Шуҳрат Миртурғунов, якка ва жамоа рақси йўналишида Олмалиқ шаҳридан "Эдельвейс" рақс жамоаси ҳамда якка ва ансамбль чолғу ижрочилиги йўналишида "Зарб" доирачилар гуруҳи биринчи ўринни қўлга киритди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

**И. АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Сайлов – 2016

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

*Жорий йилнинг 13 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарган мажлисда сайловга тайёргарлик кўришга доир масалалар кўриб чиқилди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалаларига бағишланган тадбирлар режасини муҳокама қилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказишда участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланади. Шу боис, Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ҳамда уларнинг сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича кўникмаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган семинар-тренинглар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Тадбирлар республика, ҳудудий ва маҳаллий босқичларда ўтказилиши кўзда тутилган. Бунда республика семинар-тренинги онлайн шаклда Республика матбуот марказида, ҳудудий ва маҳаллий семинарлар бевосита ҳудудларда ташкил этилиши белгиланган. Семинарларда участка сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартишлар киритиш, муддатидан олдин овоз беришни ҳамда сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш, кузатувчилар институти аҳамияти, сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли сингари жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Б. БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни округ сайлов комиссияси раиси Ҳакимжон Ҳамидов бошқарди.*

Йиғилишда округ сайлов комиссияси аъзолари, сайлов комиссияси қошидаги матбуот маркази ходимлари, тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта ҳозирлик кўриш ва юқори савияда ўтказишни ташкиллаштириш юзасидан тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, Президент сайловини ўтказувчи сайлов участкаларида сайловга тайёргарликнинг бориши юзасидан комиссия аъзоларининг ахбороти эшитилди.

Йиғилишда сайлов участкаларини талаб даражасида жиҳозлаш, участка жойлашган муассасалар ҳудудларини ободонлаштириш, йўлларни таъмирлаш бўйича мутасаддиларга аниқ таклиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

Вилоят ҳокимлигида



## ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

*Вилоят ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ва "Ижтимоий шериклик – тинчлик, осойишталик ва барқарор ривожланиш кафолати" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.*

Анжуманда қайд этилганидек, мустақиллик йилларида вилоятда нодавлат нотижорат ташкилотлар сони тезкор суръатларда ортиб бораяпти. Масалан, бу ерда 1991 йилда атиги 13 та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 728 тани ташкил этди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мустақилликнинг илк даврига нисбатан вилоятдаги ННТлар сони 56 бараварга ошган. Сўнгги тўрт йилнинг ичида уларнинг сони 55 фоизга кўпайди. Улар экология, спорт, ёшлар, ногиронлар, тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш ҳамда бошқа жами 16 та соҳа бўйича аҳолига турли ижтимоий хизматлар кўрсатиб келишмоқда.

Тадбирда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳолига тўлақонли етказиш, ҳаётга татбиқ этиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жорий йилда бу мавзуда жойларда ўнлаб давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилди. Вилоятдаги босма нашрларда 200 дан ортиқ мақолалар, суҳбат ва хабарлар эълон қилинди. Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қошида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси ишлаб турибди.

Йиғилишда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан ташкил этилган давлат гранти танловининг навбатдаги 8 нафар ғолибига тегишли сертификатлар топширилди.

**Алишер РАҲМАТОВ.**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари эътибори Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан йўлланган табрикномада "...биз эришаётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр ... барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эски қараш ва ёндашувлардан, иш услубларидан бутунлай воз кечиб, янгича фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқарув тизимини замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда...", деб белгилаб берилган вазифага қаратилди.

Ушбу талабдан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарлари олдига иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларини ривожлантириш бўйича ўрта муддатли истиқболга мўлжаллаб қабул қилинган дастурларнинг 2016 йилга кўзда тутилган барча чора-тадбирлари, прогноз кўрсаткичлари ва мақсадли параметрларини сўзсиз ижро этиш учун мавжуд ресурс ва захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Шунингдек, 2017 йил ва келгуси йилларда иқтисодий ривожлантиришнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш учун мустаҳкам замин яратиш вазифаси топширилди.

Банк тизими барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, шу жумладан, ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ва модернизациялашга доир инвестиция лойиҳаларига, шунингдек, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кредит ажратиш ҳажмларини кенгайтириш масалалари мажлис иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди.

Мажлисда давлат активларини, акциядорлик жамиятлари ва корхоналар устав фондларидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари улушларини хусусий мулкка, энг аввало, хорижий инвесторларга сотиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга диққат-эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик вазифалари ва энг муҳим мақсадли параметрларини сўзсиз бажариш учун бошқарув услубларини тубдан ва танқидий қайта кўриб чиқиш зарурлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Бунда биринчи галдаги ва стратегик вазифа сифатида иқтисодиётни чуқур ислоҳ қилиш, янада диверсификациялаш ва модернизациялаш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиш бўйича ишларни кучайтириш шартлиги таъкидланди.

Мажлис иштирокчиларининг асосий эътибори жорий йил 5 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида белгилаб берилган тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини кафолатлаш ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни сўзсиз таъминлаш зарурлигига қаратилди. Вазирликлар ва идоралар, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ва барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш бўйича аниқ вазифалари ва шахсий масъулияти белгилаб берилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида 2016 йилнинг энг муҳим объектларини ишга туширишни таъминлаш, маҳаллий хом ашё ва материалларни чуқур қайта ишлаш ҳамда кимё, чарм-пойабзал, фармацевтика, қурилиш индустрияси ва озиқ-овқат тайёр маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича тасдиқланган ўрта муддатли дастурлар доирасида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги чуқур ва батафсил таҳлил қилинди.

Саноат тармоқларини чуқур таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш, ривожланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни шакллантириш бўйича фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг – 9,4 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар – 11,2 фоизга ўсишини таъминлагани қайд этилди.

Йил бошидан буён 2016 йилги Инвестиция дастури доирасида 100 та йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилгани қайд этилди. Вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг йил охиригача ишга тушириш мўлжалланган 64 та йирик ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш, шунингдек, 2017 йил учун ишлаб чиқариш дастурлари учун зарур хом ашё ва материалларни, энг аввало, X Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида харид қилишга шартномалар тузишни тезлаштириш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари белгилаб олинди.

Бир қатор вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш зарурлигига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари, бир қатор вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган инфратузилма объектларини ривожлантириш ҳамда энг муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича 14 та ўрта муддатли дастурлар лойиҳаларини тайёрлашни тугаллаш ва тасдиқлаш учун киритиш топширилди. Булар қаторида сув, электр таъминоти, аҳолига транспорт хизматини кўрсатишни яхшилаш, маҳаллий автомобиль йўлларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, мактабгача таълим муассасалари ва бозорларни модернизациялаш, кам таъминланган ва ёш оилалар учун арзон уй-жойлар қуриш, аҳолини арзон дори воситалари билан таъминлаш, аёллар, болалар ва пенсионерларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш дастурлари ишлаб чиқилади.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажмлари ва турларини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш йўли билан маҳсулотлар ва хизматларни экспорт қилиш прогноз кўрсаткичларига эришиш юзасидан ишларнинг натижадорлигини пухта таҳлил қилишга диққат-эътибор қаратилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзагроэкспорт" акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликларига маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, жойлаш ва ташиш бўйича зарур инфратузилмани ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни кўзда тутган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган 66 та туманнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Бош вазирнинг ўринбосарлари, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси, "Ўзбекэнерго", "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятлари, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фондини, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ва уларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан узлуксиз таъминлаш ишларини тугаллаш юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, "Ўзбекозиқовқатзахира" уюшмасига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмларда ғамлашни тугаллашни жадаллаштириш, шунингдек, ички бозорда нархларнинг асоссиз кескин ўсиб кетишига йўл қўймасдан талабни ва нархлар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда қиш-баҳор мавсумида уларни аҳолига сотишни тизимли йўлга қўйишни таъминлаш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республиканинг йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА.**

Бошланиши 1-бетда.




Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

# ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИНИНГ ЙИРИК АНЖУМАНИ

Анжуманда юқори сифатли пахта толасини етиштириш ва савдо қилиш, бу йўналишдаги самарали ҳамкорликни кенгайтириш ва тармоққа тегишли бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди, музокаралар олиб борилди, ўзаро манфаатли шартномалар тузилди. Унда 40 дан зиёд мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари, эксперт ва мутахассислари иштирок этди. Хитой, Россия, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари, Корея Республикаси вакиллари шулар жумласидандир.

Жаҳон пахта бозоридаги талаб ва таклифнинг кўп йиллик таҳлили Ўзбекистон ушбу бозорнинг энг йирик иштирокчиларидан бири эканидан далолат беради. Мамлакатимизнинг бу борадаги салоҳияти мунтазам ортиб бораётир. Ўзбекистонда нафақат пахта толаси ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юксалмоқда, тўқимачилик саноати ҳам изчил ривожланмоқда.

Ушбу йирик халқаро анжуман йилнинг энг қулай вақти, яъни навбатдаги пахта ҳосилининг йиғим-терим даври авжига чиққан ва пахта бозорида олди-сотди савдолари фаоллашадиган пайтда ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, маҳаллий хом ашёга асосланган тўқимачилик саноати тадбиркорликнинг энг самарали йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис, хорижий ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистон тўқимачилик саноатига инвестиция сарфлашдан манфаатдордир. Мисол учун, бугунги кунда "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти тизимида 400 дан ортиқ корхона фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 200 дан зиёди қўшма корхоналардир. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан тайёрланаётган турли кийим-кечаклар дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда. Табиийки, бу жараёнда Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси муҳим бозор вазифасини ўтаётир.

– Пахта толаси ва ундан тайёрланган калава, мато ва бошқа маҳсулотлар билан танишдик, – дейди Италиянинг "Studio Rissardo Zanon" компанияси раҳбари Риккардо Занон. – Уларнинг сифати ҳам, нархи ҳам маъқул. Ярмаркада намойиш этилаётган, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган кўплаб турдаги тўқимачилик маҳсулотлари мамлакатингизда енгил саноат соҳаси изчил ривож топаётганидан далолат беради. Биз Ўзбекистон пахта толаси ва ундан тайёрланган маҳсулотлар экспортини йўлга қўйишга аҳд қилдик. Тошкентда компаниямиз ваколатхонасини очишни мўлжалламоқдамиз.

Экспорт географиясини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган изланишлар туфайли янги бозорлар кашф қилинмоқда. Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг хорижда қирқдан ортиқ савдо уйлари ташкил этилган.

Ярмарка иштирокчилари Тошкент вилоятидаги "Ўзбекистон" пахтани қайта ишлаш заводи, "UzTex-Chirchiq" қўшма корхонаси ва "Тошкент Тола" пахта терминали фаолияти билан яқиндан танишиб, Ўзбекистонда пахтачилик ва тўқимачилик саноати изчил ривожланаётгани, соҳага энг замонавий технологиялар жорий этилаётганининг гувоҳи бўлди.

– Германия, Италия, Туркия каби давлатлар етакчи компанияларининг замонавий, ресурстежамкор технологиялари билан жиҳозланган корхонамизда йилига 10 миллион дона трикотаж маҳсулотлари тайёрланади, – дейди "UzTex-Chirchiq" қўшма корхонаси директори Отабек Асадуллаев. – Калава ип, бўялган мато, тайёр кийим-кечакларнинг сифати юқорилиги боис ташқи бозорда тобора харидоргир бўлиб бораётир. Маҳсулотларимизнинг асосий қисми Россия, Беларусь, Корея Республикаси, Польша каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Жорий йилдан пахмоқ матолар ва сочиқлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Бу келгусида экспорт салоҳиятимизни янада оширишда қўл келади.

Мамлакатимизда 21 ҳудудий пахта терминали, транспорт инфратузилмаси ва кенг тармоқли йўналишлардан иборат замонавий логистика тизими муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тизимда ўзбек толасини етказиб бериш кўламининг мунтазам кенгайиб бораётгани ҳисобга олинган ҳолда янги транспорт йўналишлари ишлаб чиқилмоқда. "Тошкент Тола" терминалига келган иштирокчилар унинг мисолида юртимиздаги ана шундай субъектлар фаолияти билан танишди.

– Мазкур терминалда чет эллик ҳамкорлар учун яратилган шароитлар бизга жуда маъқул бўлди, – дейди Бангладешнинг "Sarah Composite Mille LTD" компанияси директори Куанру Ахшан. – Ушбу ярмаркада ўн йилдан буён мунтазам қатнашиб, мазкур терминал хизматидан доим фойдаланамиз. Анжуманнинг нуфузи ва иштирокчилари сони йил сайин ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Биз ҳам ишлаб чиқаришда юртингиз пахтасидан фойдаланамиз. Унга бўлган талаб йил сайин ортмоқда. 2015 йилги ярмаркада 200 тонна пахта толасини харид қилган эдик. Бу йил ушбу кўрсаткични 400 тоннадан оширдик. Муваффақиятли келишувга эришганимиздан хурсандмиз.

"Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Товар-хом ашё биржаси ва "Сифат" маркази ҳамкорлигида ташкил этилган XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси етиштирилган пахтани сотиш механизмини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифаларни бажаришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Анъанавий ярмарка миллий иқтисодиётимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштириш, юртимизнинг халқаро майдонда рақобатбардошлиги ва нуфузини янада юксалтиришнинг нурли уфқларини очиб бермоқда.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

Бошланиши 1-бетда.

Депутат минбари

# ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

*Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг ривожланишидаги тўсиқларни бартараф этиб бориш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Буни яқинда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони мисолида яна бир бор кўриш мумкин.*

Таъкидлаш жоизки, мазкур Фармон мамлакатимизда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк улушини ошириш борасидаги ишларнинг навбатдаги босқичини бошлаб берди.

Фармонда тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида", "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида", "Давлат харидлари тўғрисида" ва "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Қонунларни қабул қилиш назарда тутилганлиги давлат ва бизнес ўртасидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ресурсларининг очиқ ва шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда Фармонда кун эмас, балки соат сайин жадаллашиб бораётган замонавий ахборот коммуникация технологияларини давлат органлари фаолиятига кенг жорий этиш, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилгани бу соҳада мамлакатимизнинг замон талабига мос равишда ривожланиш стратегиясини жадаллик билан амалда қўллаш давом этаётганлигини англатмоқда. Унда бугунги интернет даврида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини хўжалик судлари тизимига кенг жорий этиш, суд мажлисларини аудио ва видео тарзда қайд этиш, қабул қилинган қарорларни веб-сайтларда эълон қилиш чораларини кўриш бўйича вазифаларнинг белгиланганлиги тадбиркор юртдошларимизга янада қулай имкониятлар яратади.

Кўриниб турибдики, ушбу Фармон тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги яна бир тарихий ҳужжат ҳисобланади ва ўз ўрнида биз, депутатларнинг қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш устида иш олиб боришимизга замин бўлади. Энг муҳими, ушбу тарихий ҳужжат келгусида юртимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш, ўрта-махсус ва олий таълим муассасаларини битириб чиқаётган, касб-ҳунарга эга минглаб ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш йўлида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

**Расул КУШЕРБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

Давра суҳбати

*Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш ва хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

# ИМКОНИЯТ, РАҒБАТ ВА РАВНАҚ



Давра суҳбатида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси мутахассислари, вилоят адлия бошқармаси вакиллари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ходимлари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоятда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, тадбиркорларнинг соҳага оид ҳуқуқий билимларини ошириш, мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида сўз юритилди.

Янги қабул қилинган Фармон мамлакатимизда қулай бизнес ва инвестицион муҳитни шакллантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

Тадбир сўнгида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Қобилжон ҒОФУРОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Муаллиф олган сурат.*

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## ОЛТИН КУЗ САХОВАТИ

*Ўрта Чирчиқ агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти ташаббуси билан "Олтин куз – ҳосилинг юз!" шиори остида кўргазма бўлиб ўтди.*

Унда миришкор деҳқонларимиз етиштирган мева, сабзавот ва полиз экинлари намойиш этилди. Кўргазмага барра сабзидан тортиб, эндигина узилган олмалар, сархил навли узумлару, қовун-тарвузларгача қўйилди.

Ўқувчиларнинг олтин куз неъматлари, она ер саховати ҳақидаги шеърлари, куй-қўшиқлари кўргазмага ўзгача файз, томошабинларга завқ бахш этди. Карвин санъати намойиши ҳам "Ҳосил байрами" кўргазмасига ўқувчилар нақадар қизғин тайёргарлик кўрганликларидан далолат берди.

Кўргазма давомида ўқувчилар олтин куз неъматларига берган таърифлари, она табиат инъомларининг фойдали жиҳатлари ҳақидаги қизиқарли маълумотлари эътиборга олиниб, "Энг кўп маҳсулот тури учун", "Энг нафис маҳсулотлар учун", "Энг яхши таъриф учун" каби номинациялар бўйича коллеж маъмуриятининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Отабек ИСРОИЛОВ,**
**коллеж ўқувчиси.**

## МЕТАЛЛУРГЛАР ҲАҚИДА ЯНГИ КИТОБ

*"Ўзбекистон металлургия комбинати" акционерлик жамияти ташаббуси билан республикамиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Мустақил Ўзбекистон оғир саноатининг байроқдори" номли китоб нашр этилди.*

Китобда Ўзбекистон металлургия комбинатининг мустақиллик йилларидаги равнақи, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳақида сўз юритилган.

Хусусан, металлурглар жамоасида қўлга киритилган ютуқлар, янги қувватларнинг ишга туширилиши, комбинатни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш йўлидаги изланишлар, шунингдек, аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган ижтимоий объектларни барпо этишга муносиб ҳисса қўшаётган илғор ишчи-хизматчилар ҳақидаги мақола ва очерклар ўқувчида жамоанинг тарихи, бугуни, эртаси ҳақида ёрқин таассурот қолдиради.

**Ўз мухбиримиз.**

## БИЗНЕС САРИ ИЛК ҚАДАМ

*Бўстонлиқ туманида "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти томонидан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши билан ҳамкорликда "Суғурта билимдонлари" лойиҳаси доирасида ўқув машғулотлари ташкил этилди.*

Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир бизнес соҳаси ва миллий суғурта бозорида илк маротаба иштирок этаётган ёшлар учун ташкил этилган бўлиб, унда "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳасининг ҳудудий босқичларида ғолибликни қўлга киритган коллеж ва лицейларнинг 156 нафар битирувчиси иштирок этди ва малакасини оширди.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

## ЧИНОЗЛИК ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

*Чиноз хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишга бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.*

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Тадбирда ёшларнинг интеллектуал, ижодий салоҳияти ривожланиши учун юртимизда яратилаётган кенг шароитлар, эртамиз давомчилари, хусусан, мазкур коллеж ёшлари эришаётган ютуқлар хусусида сўз борди.

**Мансур НАХАЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Муаллиф олган сурат.*

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## "ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **"Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида"** мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

**Танлов шартлари:**

Танловга 2016 йилнинг 1 январидан 2016 йилнинг 10 ноябригача Республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фотоматериаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхаси бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

**Танлов ғолибларига мукофотлар:**

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" мавзуидаги ижодий танловга" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2016 йил 10 ноябрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри – 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 2-қават, 45-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: fonduz@umail.uz.

**Ташкилий қўмита.**

## "ЖАМИЯТ ВА МЕН"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун **"Жамият ва мен"** танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

**Танлов йўналишлари:**

– Ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– Иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– Тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– Сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– Илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– Спорт мавзуида ёритилган энг яхши материал;

– Ижтимоий шериклик мавзуида ёритилган энг яхши материал;

– Жамоатчилик назорати мавзуида ёритилган энг яхши материал.

**Махсус номинациялар:**

– "Ўз даврининг қаҳрамони" мавзуида энг яхши мақола

– "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ёзилган энг яхши мақола

**Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби:**

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2016 йил 1 январдан 10 ноябргача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;
- мавзуни ёритишда асослилик ва ўзига хослик;
- материалнинг маънодорлиги ва тушунарлилиги;
- аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 10 ноябрга қадар Тошкент шаҳри – 100129, А. Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун тел.: (371) 244-14-28.

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

**Ташкилий қўмита.**


Реклама ва эълонлар

**"AVTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2016 йил 2 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Қибрай тумани СИБ томонидан: 1. 02.02.2015 йилдаги 2454-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2005 йилда и/ч., "DAEWOO-KALOS", д/р. 11S2489, бошланғич баҳоси - 11 498 821 сўм. 2. 22.12.2013 йилдаги 32021-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 йилда и/ч., "ВАЗ-2106", д/р. 01X195MA, бошланғич баҳоси - 3 488 529 сўм. 3. 03.07.2013 йилдаги 12426-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1986 йилда и/ч., "Москвич-412", д/р. 10T410AA, бошланғич баҳоси - 966 851 сўм. 4. 26.04.2012 йилдаги 5782-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1993 йилда и/ч., "Доган", д/р. 01K336EA, бошланғич баҳоси - 773 222 сўм. 5. 05.04.2016 йилдаги 4982-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2009 йилда и/ч., "ЛАСЕТТИ", д/р. 01644CDA, бошланғич баҳоси - 40 352 337 сўм. 6. 05.04.2016 йилдаги 4982-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2014 йилда и/ч., д/р. 01 824 FDA, "КОБАЛТ", бошланғич баҳоси - 42 864 471 сўм. 7. 17.05.2010 йилдаги 4697-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1987 йилда и/ч., д/р. X110OCA, "Камаз-5511", бошланғич баҳоси - 5 591 610 сўм. 8. 3325-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1960 йилда и/ч., д/р. 11S8299, "ВОЛГА М-21", бошланғич баҳоси - 3 478 140 сўм. 9. 18.01.2016 йилдаги 1101-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1976 йилда и/ч., д/р. 10A150HA, "ГАЗ-24", бошланғич баҳоси - 1 593 864 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (371) 233-61-44.

Гувоҳнома № 004593.

**"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига: I. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан: 2016 йил 30 май кунидаги 1-1321-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Туябўғиз қўрғони манзилида жойлашган: қурилиш майдони 50,0 кв.м., фойдаланиш майдони 47,73 кв.м. бўлган дўкон бино ва иншоотлари қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 37 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 31 октябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

II. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан: 2012 йил 14 сентябрь кунидаги 11-1227/9737-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Кўшёғоч ҚФЙ, Байтиш кўчасида жойлашган: қурилиш ости майдони: 411,9 кв.м. бўлган нотураржой бино ва иншоотлари қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 270 550 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 15 ноябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 31 октябрь куни ўтказиладиган савдоларга 28 октябрь соат 16.00 гача; 15 ноябрь куни ўтказиладиган савдоларга 11 ноябрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Лицензия RR-0148.

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2016 йил 17 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани СИБ томонидан 22.07.2016 йилдаги 5545/5546/5547/5548-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, саноат зонаси манзилида жойлашган, бошланғич баҳоси - 250 000 000 сўм бўлган, умумий қурилиш майдони 978 кв.м.дан иборат нотураржой бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганида соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички 258.

Лицензия RR-0052.

**"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига:

I. Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: 2014 йил 18 март кунидаги 1-125/14-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Oazis Mega Biznes Savdo" МЧЖ омборида сақланаётган, бошланғич баҳоси - 22 544 778 сўм, 2007 и/ч., дав/рақ. X 752 BO бўлган, "ВАЗ-2121 НИВА" русумли техник носоз автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

II. Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: 2016 йил 12 август кунидаги 19509/24-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "SOHIBKOR INVEST BIZNES" МЧЖ манзилида сақланаётган, бошланғич баҳоси - 21 856 000 сўм, 2005 и/ч., "СР015А" русумли юк кўтаришга мўлжалланган кара қўйилмоқда.

III. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент-2, "Марият текстиль сервис" МЧЖ жарима майдонида сақланаётган: 1. 2016 йил 12 август кунидаги 1-288/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 28 445 000 сўм, 2014 и/ч., дав/рақ. 10 105CBA бўлган, "Матиз" русумли техник носоз; 2. 2015 йил 29 июль кунидаги 2-251-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 3 993 310.48 сўм, 1985 и/ч., дав/рақ. 10A824KA бўлган, "АУДИ 81" русумли техник носоз автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

IV. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: 2015 йил 27 апрель кунидаги 2639-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи ҚФЙ, Исроилов кўчаси, 30-уй манзилида сақланаётган, бошланғич баҳоси - 20 000 000 сўм, 2006 и/ч., дав/рақ. 10O207CA бўлган, "Матиз БЕСТ" русумли техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 16 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 31 октябрь куни ўтказиладиган савдоларга 28 октябрь соат 16.00 гача, аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 16 ноябрь куни ўтказиладиган савдоларга 14 ноябрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Марказий Амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000900603278001, МФО 01088, ИНН 303877274. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16-А уй. Тел.: 239-29-40.

Гувоҳнома № 009293.

**"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога Зангиота тумани СИБ томонидан, ФИБ Тошкент вилояти, Зангиота туманлараро судининг 2014 йил 11 декабрдаги 1-3957/14-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чоштепа ҚФЙ, Тонг юлдузи (собиқ С. Ҳикматов) кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, умумий ер майдони ҳужжат асосида 600 кв.м., 2 қаватли, ертўлали, умумий қурилиш ости майдони 378,27 кв.м., ҳовли майдони 221,73 кв.м. бўлган уй-жой қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 551 101 176 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 21 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 18 ноябрь куни соат 18.00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ipak yo'li" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000000433601001, МФО 01036. ИНН 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz.

Лицензия RR-0225.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2016 йил 10 июндаги 3284-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хўжакент ҚФЙда жойлашган "Одил" ф/х бино-иншоотлари. Жами ер майдони 4,1014 Га, қурилиш ости майдони 6593,25 кв.м., фойдаланиш майдони 3277.49 кв.м бўлган бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси - 1 677 396 285 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 18 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 16 ноябрь куни соат 16.00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига:

Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, Зангиота тумани СИБ томонидан: Чиноз тумани ИИБ ТБнинг 2016 йил 31 май кунги қарори ҳамда 14988/13-сонли ариза (буюртма)сига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Авзал омад" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 1. Бошланғич баҳоси - 20 845 000 сўм, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами бўлмаган, "Opel Astra" русумли техник носоз; 2. Бошланғич баҳоси - 13 323 000 сўм, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами бўлмаган, "Opel Zafira" русумли техник носоз автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 16 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 14 ноябрь соат 16.00 гача; 2016 йил 31 октябрь куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 28 октябрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

❑ Бизга ёзадилар

# ЭЗГУЛИК БОҒИНИНГ МЕВАЛАРИ

*Бир кун соғ, бир кун хаста қария сал тетиклашгач, жавондаги китобларни хира кўзларига яқин келтириб, ўқимоқчи бўлади. "Умр бир зумда ўтди-кетди, қанча ноёб китобларни ўқишга улгуролмай қолдим-а", деб ўкинди.*

*Шундай кунларнинг бирида шогирдлари устоз зиёратига келишди. Ҳатто фарзандларини бирда таниб, бирда танимай ётган отахон ёстиқдан бош кўтарди. Ички ҳиссиётнинг кучини қарангки, ўзлари аллақачон устозга айланган шогирдларини таниди, қувончдан кўзларига ёш келди. Улар билан узоқ суҳбатлашди, дуо қилди.*

Собиқ ўқувчиларининг ташрифи устознинг бошини ёстиқдан узди. Бир неча кун ширин ҳиссиётлар ва хотиралар оғушида яшади, кейин...

Қарийб 90 йил умр кўрган Амир ота Харасов Зангиота туманидаги 15-мактабда ўқувчиларга 50 йилдан ортиқ она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берди. Юмшоқтабиат, ҳамиятли, ҳеч кимдан ёрдамини аямайдиган муаллим 10 фарзандни ўқимишли қилиб, вояга етказди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қийинчиликларни бошидан кечирган домла, Низомий номидаги Тошкент педагогика институтига қишқировли кунларда тизза бўйи қор кечиб, яёв қатнаб ўқиди.

– Сизлар дориламон замонда яшаяпсизлар, – дерди Амир ота. – Давлатимиз шунчалик шароитлар яратиб қўйибди, бунга шукр қилиш, яхши ўқиш керак. Мен ёғингарчиликда чакка ўтадиган, қишда печканинг тутуни ва кўмир иси бурқсийдиган хоналарда дарс берганман. Шукрки, истиқлолни кўриш, янги мактабда яйраб, дарс бериш насиб этди. Пенсияга чиқиб ҳам ўқувчиларимдан айрилгим келмади. Ҳукуматимизга минг раҳмат, болаларимиз учун шундай шароитларни яратиб қўйибди.

...Устознинг жанозасига тумонат одам келди, собиқ ўқувчилар кўчага сиғмай кетди. Ўшанда ҳақиқий устознинг ҳурмати нақадар юқори бўлишини яна бир бор англадим.

Бир куни Искандар Зулқарнайндан: "Сен устозингни отангдан-да кўра кўпроқ ҳурмат қилар эмишсан, шу ростми?" деб сўрабдилар. "Рост, – деб жавоб берибди у, – отам мени йўқлик осмонидан ерга олиб тушди, устозим эса ердан кўкка кўтарди".

Ҳақиқатан ҳам, устоз шогирдига илм бериш билан бирга иккинчи ҳаёт бағишлайди. Зеро, донолар тўрт нарса ўлик дилни тирилтиради, дейишади. Булар: устоз, яхши дўст, муносиб рафиқа ва ақл. Устоз борки, ҳаёт ривожланишда давом этади, янги-янги кашфиётлар эшиги очилади.

– Бундан анча йил муқаддам тумандаги 38-мактаб директори бўлиб ишлаган Исмоил Аҳмедовнинг мактаб биносини таъмирлашдаги жонбозлиги, таълим сифати ва самарадорлигини оширишдаги хизматларини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди, – дейди ўқитувчи Дилором Раҳмонова. – У кишини Зангиота қишлоғидаги янги қурилаётган 34-мактабга раҳбар этиб тайинлашганда юрагимизнинг бир парчаси узилгандек бўлди гўё. Ҳалигача устозимизни соғинамиз, маслаҳатларини қўмсаймиз.

– Бир пайтлар шу мактабнинг эски биносини қуриш учун лой тепганмиз, ғишт қуйганмиз, – дерди у доим ўқувчиларга. – Ҳозирчи? Мустақиллик шарофати билан қурилган янги мактабда ҳамма шароитлар бор. Сизларга фақат пухта билим олиш қолган, холос. Бунинг қадрига етиш керак.

Бугун устоз орамизда йўқ. Лекин унинг эзгу ишларини шогирдлари давом эттиришмоқда. Мактабга қадам боссангиз, орасталик, саранжом-саришталикни кўриб қувонасиз. Устоз бир пайтлар эктирган мевали дарахтлар ёппасига ҳосилга кирган.

Бир донишманддан: "Қандай қилиб шунча илмга эришдинг?", деб сўраганларида: "Савол берувчи тил, билувчи қалб ва чидамли устоз туфайли эришдим", деган экан. Келажак авлодга сабот билан билим берувчи устозлар бор экан, уларнинг бугун экиб, парвариш қилган ниҳоллари эртага, албатта, лаззатли мева беради.

**Комила РАҲИМОВА,**
**Зангиота тумани.**

# ҲАР ЙИГИТНИНГ ОРЗУСИ

*Меҳнат инсонни улуғлайди. Бунинг исботини ҳалол меҳнати билан элу юртга нафи тегиб, халқ орасида обрў-эътибор қозонган юртдошларимиз мисолида кўриш мумкин.*

Ҳали ёш бўлишига қарамай, Шоҳруҳ Абдувалиев ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътибор қозонди. У айни пайтда Янгийўл тумани молия бўлими бошлиғи вазифасида фаолият юритмоқда.

Ёшлигиданоқ математикага, умуман, иқтисодга қизиқиши уни Тошкент Давлат аграр университети қошидаги академик лицейга етаклади. Лицейни имтиёзли тугаллаб, билимларини янада мустаҳкамлаш, бухгалтерия ҳисобини мукаммал ўрганиш ниятида Тошкент Молия институтига ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган Шоҳруҳ талабалик мақомига эришди ва олийгоҳда устозларидан иқтисод илмини мукаммал эгаллашга ҳаракат қилди.

Меҳнат фаолиятини Оққўрғон тумани матлубот жамиятида ҳисобчи лавозимида бошлаган ёш мутахассис Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молия инспекторлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг бош инспектори лавозимига ишга таклиф этилди. У қайси лавозимда ишламасин, ўзининг теран фикри, юксак билим ва қобилияти билан ҳамкасблари орасида ажралиб, намунали хулқи билан эътибор қозонди.

"Давлат ғазнасидан ажратилаётган ҳар бир сўмдан ўз ўрнида, катта масъулият билан фойдаланиш керак", дейди у. Унинг зиммасидаги ҳар бир ишга жиддий ёндашиш, қонунбузилишларига йўл қўймаслик каби фазилатлари ўзи меҳнат қилган жамоаларда муносиб эътироф топган.

Эркак кишининг бир бахти – муносиб умр йўлдош танлашида. Ана шундай бахт Шоҳруҳ Абдувалиевга ҳам насиб этган. Рафиқаси Камола билан биргаликда икки ўғил ва икки қизни тарбиялашмоқда.

– Бахтли оила, фарзандлар қувончи ҳар йигитнинг орзусидир, – дейди Шоҳруҳ. – Ҳар куни ишдан қайтганимда фарзандларим шўх-шодон кулгулар билан қарши олади. Шунда кун давомидаги чарчоқларим тарқаб кетади.

**Умида ГАИПОВА,**
**Янгийўл тумани.**




### Универсал улов яратилармиш

**Калифорнияда жойлашган Sondors фирмаси келгуси йилдан бошлаб уч ғилдиракли электромобиль ишлаб чиқаришни режалаштираяпти.**



Арзон электромобиль тайёрлаш учун муайян қулайликлардан воз кечиш лозим бўлади. Хусусан, бундай турдаги қурилмада тўртинчи ғилдирак ва ортиқча ўриндиқлар йўқ. Машинага кўпи билан уч одам сиғади. Техник кўрсаткичлари, ҳозирча, маълум эмас, чунки электромобилнинг ўзи компьютерда эскиз кўринишида мавжуд, холос. Уч ўриндиқ ва уч ғилдиракли машинанинг кузови алюминийдан. Турли сиғимли уч хил литий-ионли аккумуляторлари бор. У тўла қувват билан 80 км. йўл босиши мумкин.

### Кўзи ожизлар ҳам интернетга кира олади

**Россиялик олимлар кўзи ожизлар учун мўлжалланган дунёдаги биринчи электрон дарсликни такомиллаштириш устида иш олиб боришмоқда.**



Тюмень давлат университети ходимлари бир вақтнинг ўзида ўқувчи ва ўқитувчига интернетдан фойдаланиш имкониятини тақдим қиладиган модулли қурилмани яратишди. "СИОЛЛ" (инглиз тилидаги "See all") деб номланувчи қурилмадаги модуллар ўзаро симсиз алоқа ёрдамида боғланади. Мазкур қурилмани яратишдан кўзланган асосий мақсад – кўзи ожиз ёки яхши кўрмайдиган инсонлар учун таълим жараёнини қулайлаштиришдир. Тизим кўзи ожиз инсонларга ўқиш ва ёзиш кўникмасини самарали ҳосил қилиш, матнни юбориш ва сақлаш, шунингдек, масофадан туриб топшириқни текширишга ёрдам беради. Фойдаланувчи флеш-модулни дарсликка киритгач, дастур ахборотни Брайл шрифтига ўгиришни бошлайди. Шундан кейин маълумот Брайл шрифтида "Ўқиш" бўлимига чиқарилади. Махсус грифель эса кўзи ожизларда ёзиш кўникмасини ривожлантириш учун алоҳида бўлмада матн териш имкониятини тақдим этади.

### Ёнувчи йўлак

**Бундан тахминан икки йил олдин Studio Roosegaarde компанияси дизайнерлари Голландияда люминецентли тошчалар билан жиҳозланган ёнадиган велосипед йўлакчаларининг тажрибавий лойиҳасини амалга оширган эди.**



Худди мана шундай йўлакча яқин орада Польшанинг Лидзбарк-Варминьски шаҳрида TPAQI маркази томонидан барпо этилди. TPAQI ходимлари мазкур турдаги йўлакчани яратиш устида бир йилча аввал иш бошлашган эди. Лаборатория шароитларида ўзидан нур қайтарадиган бир қатор материаллар синаб кўрилди. Қоронғида ҳам велосипедчилар, ҳам пиёдаларни хавфсиз ҳаракат билан таъминлаш мақсадида узлуксиз синовлар ўтказилди. Натижада, неорганик люминофор асосидаги майдаланган материал танлаб олинди. Ушбу қоришма кундузи қуёш нурини ютиб, тунда ўзидан кўк рангдаги ёруғлик чиқаради.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

# КИНОЯ САНЪАТИ

## ёхуд санъаткорнинг киноями

Овозсиз кинонинг машҳур актёри, америкалик Лон Чаней бошқаларнинг қиёфасига киришга уста эди.

Кунлардан бир куни Чарли Чаплин у билан айланиб юрганда йўл четида катта қўнғизни кўриб қолади.

– Эҳтиёт бўлинг, – дейди Чаплин, – уни босиб олманг! Эҳтимол у қўнғиз қиёфасига кириб олган Лон Чанейдир.

* * *

Чарли Чаплин меҳмонхонадан чиқаётиб, эшик оғасига йигирма франк чойчақа беради. У эса норози бўлиб минғирлайди:

– Ўтган гал сизнинг саломатлигингиз учун ичиб қўйишимни сўраб, қирқ франк берувдингиз.

– Бу гал ўзимни анча яхши ҳис қилаяпман,– дея жавоб қилади Чаплин.

# ТАДБИРКОРНИНГ РЕЖАЛАРИ КАТТА

Бошланиши 1-бетда.

– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўлида яратилаётган кенг имкониятлар анчадан буён ўйлаб юрган режаларимни амалга оширишда муҳим омил бўлди, – дейди Ҳ. Файзиев. – Бугунги кунда цехимизда катталар ва болалар учун беш хил турдаги кийим-кечаклар тикилмоқда. Шунинг ҳисобидан 10 та янги иш ўрни яратилди ва уларга касб-ҳунар коллежи битирувчилари жалб этилди.

Дарҳақиқат, тадбиркорнинг келгуси режалари янада катта. Айни пайтда у тежамкорлик асосида иссиқлик билан таъминланадиган иссиқхона барпо этди. Мақсади қиш кунларида ҳам аҳоли дастурхонига сархил сабзавот ва резаворлар етказиб бериш. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Тадбиркор ўз уйида оилавий чорвачилик хўжалигини ташкил этиш бўйича зарур бўладиган ташкилий ишларни якунлади. Яқин кунларда гўшт, сут маҳсулотлари ҳам ўзларидан чиқади.



Шуни айтиш керакки, тадбиркорнинг ишларидан маҳалладошлари ҳам мамнун. Унинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган гузар маҳалланинг обод ва кўркам жойига айланди. Кўрсатилаётган хизматлар эса элнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан танишиб чиқдим, – дейди тадбиркор. – Ушбу Фармонда хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун зарур бўладиган шарт-шароитларни янада такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Бундай ҳужжатлар сафимизнинг кенгайишига хизмат қилибгина қолмай, бизга янги имкониятлар эшигини очиб беради, ташаббусларга руҳлантиради.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

❑ 101 огоҳлантиради

# ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

*Ёши улуғларимиз: "Ўт балоси, сув балосидан асрасин", дея дуо қилишганини кўп бора эшитганмиз. Аммо, шу офатлар келиб чиқишига кўпинча ўзимиз сабабчи бўлиб қолаяпмиз.*

Бўлимимиз томонидан ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, шу йилнинг 9 ойи мобайнида вилоятимизда 1 минг 174 та ёнғин содир бўлди. Уларнинг 602 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 214 таси ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, 115 таси носоз печь ва газ ускуналарини ишлатиш, 151 таси ёш болалар қаровсиз қолдирилгани сабабли юз берган. Ачинарлиси, ёнғинларнинг 51 фоиздан ортиғи аҳоли тураржойлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ҳозирда юртимизда куз, хазонрезги вақти. Шунча огоҳлантиришларга қарамай, фуқароларимиз қуриган шох-шабба ва баргларни ёқиш пайига тушадилар. Мактаб, боғча ва жамоат жойларида бундай чиқиндиларнинг ёқилиши, айниқса, кишини ташвишга солади. Чунки, баргларнинг тутуни заҳарли моддаларга тўйинган бўлиб, ўпка орқали қонга сўрилади ва соғлиғимизга жиддий хавф етказади.

Шундай экан, ўзимиз ва яқинларимиз, қолаверса, она табиатимизга зарар етказадиган бундай ишга қўл урмайлик. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиб, лоқайдликка чек қўяйлик. Шундагина, ёнғинлар сони камаяди, ҳар бир кунимиз тинч ва осуда ўтади.

**Ш. ЭСОНОВ,**
**вилоят ИИБ ЁХБ ЁОО ва ЁНТЭБ бошлиғи.**

Жиноятга жазо муқаррар

# АЯНЧЛИ ҚИСМАТЛАР

**"Ўйламай босдим тиканни, тортадирман жабрини" деган афсус-надоматдан наф йўқ. "Бир ишни ўйнаб қилсанг ҳам ўйлаб қил" деганларидек, тиканакзорга қадам қўйишдан аввал, оқибатини ўйлаш керак эди.**

**Аммо, "тўрт оға-ини ботирлар" бу ҳаётий нақлни менсишмади.**

Бекорчиликдан зериккан Темир Душабоев, Михаил Васильев, Руслан Пундик ва Ниёзбек Алиев (исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг кўнгиллари "дилни қитиқловчи" машғулотни "кашф" этишни истаб қолди. Кўнгилнинг кўчалари қаёқларга етакламайди, дейсиз. Тошкент шаҳрида яшайдиган, олий маълумотли бу "улфати чор"ларни феъл-атворларига яраша ўхшаш қисматлари бир-бирларига рўбарў қилди. Енгилнинг ости, оғирнинг устида роҳатланиб юриш, жон койитмай жарақ-жарақ пул топиш пайига тушишди.

Биринчи бўлиб Руслан Пундик қинғир йўлга қадам қўйди. Мақсади гиёҳванд моддалар тарқатувчи кимсаларга яқинлашиш, ишончларига кириб, уларнинг сафига қўшилиш эди. Кўр кўрни қоронғида топади деганларидек, кафеда спиртли ичимлик таъсирида сархуш бўлиб олган Руслан Ниёзбек Алиев билан танишиб қолди. Янги танишининг Фарғона водийсидан пойтахтга мунтазам гиёҳванд моддалар етказиб турадиган "бизнесчи" экани ва шу ҳунари сабабли илгари судлангани Русланни чўчитмади. Аксинча, мўмай даромад сеҳри кучлилик қилди шекилли, хуллас, ширакайф ҳолда водийлик "дўст"и билан мириқиб наша чекди. Бир-бирларининг телефон рақамларини ёзиб олиб, яқин кунларда учрашишга келишишди.

Орадан бир неча кун ўтиб, Н. Алиев Русланга қўнғироқ қилди ва ҳамтовоқлар учрашишди. Ниёзбек Русланга 10 грамм нашани 100 АҚШ долларига сотиб олишни тавсия қилиб: "Бир қисмини ўзинг чекиб, роҳатланасан, қолганини сотиб, яхшигина пул ҳам ишлаб оласан", деди. Шу тариқа гиёҳванд моддалар конвейери аста ишга тушди. Руслан анойилардан эмас экан. Ўша пайтдаёқ грамми фалон пул турадиган заҳри қотилни харид қилиш ва сотишда андак миқдорни ҳам бой бермаслик учун махсус чўнтак электрон тарози сотиб олди ва Н. Алиевнинг асосий харидорига айланди.

Бир оз вақт ўтиб, Михаил Васильев билан Темир Душабоев ҳам шу жиноят занжирининг ҳалқаларига айланишди. Йигитлар нашанинг кайфига берилиб кетиб, борган сари миқдорини ошириб, шунингдек, олиб-сотишни ҳам кучайтириб юборишди. Энди чўнтакларида жарақ-жарақ пул, тагларида машина.

Аммо, гиёҳванд модда истеъмол қилиш ва олиб-сотиш шундай жиноятки, бугун бўлмаса эртага, албатта, иси ҳам, миси ҳам чиқади. Қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари бу тўрт бангининг изига аллақачон тушган эдилар. Т. Душабоевнинг шахсий "Нексия" русумли машинаси текширилганда, бир ўрам наша ва уни чекиш мосламаси, Р. Пундикнинг уйи тинтув қилинганда эса катта миқдордаги гиёҳванд модда топилди.

Суднинг одил ҳукмига биноан ҳам гиёҳванд, ҳам оғуфуруш бу кимсалар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилиб, уларга нисбатан гиёҳвандлик касалидан мажбурий даволаш чораси қўлланиладиган бўлди.

Узоқ давом этмаган, оқибати аввалдан маълум ушбу тараллабедод ҳаёт якуни кўпчиликка яхши сабоқ бўлса ажаб эмас.

**Жумабой ҚЎЧҚОРОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-7241. Адади 6916. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.55.